O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 9 (523)

2007-yil 28-fevral

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 **Подполковник ўн йилга кесилди**

Милиция подполковниги дона-дона қилиб айтган гаплар анчагача унинг қулоғида жаранглаб турарди: “Сени 3 йил турмаю жарима кутиб турибди, агар 500 доллар берсанг, ишни ёпиб ташлайман, мабодо бош тортсанг, жиноят иши қўзғатиб, ишни судга ориб юбораман!”

3 **Манфаатлар тўқнашаётган мамлакат**



Польша ҳудудида ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ўрнатиш режаси айни шу курашнинг яққол ифодасидир.

Айни пайтда мамлакат раҳбарияти олдида бу борада қатъий тўхтамга келиш, миллий мустақиллик ва хавфсизлик ўртасидаги олтин ўрталиқни топиш вазифаси кўндаланг турибди.

4 **Кашмирда Амир Темур жамияти**

Кашмир аҳолисининг катта қисми Темур бобомиз қолдириб кетган одамларнинг уруғ-авлодлари бўлиб, уларнинг барчасини ана шу жамият ўз сафига бирлаштирган. Жамиятнинг марказий бошқармаси ва жойлардаги бўлимлари доимий учрашувлар ўтказиб туради.

HURRIYATга

2007 йил учун обуна йил бўйи давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Тадбир

Республикамизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг муҳим қирраларидан бири — ижтимоий ҳимоя бўлиб, бу борада тўпланган тажрибалар халқаро жамоатчиликнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Бу ҳақда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма томонидан ўтказилган “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги давра суҳбатида батафсил тўхталиб ўтилди.

Ижтимоий ҳимоя юзасидан тажриба алмашилди

Дилафруз ТЎРАҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Тадбирни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, профессор А. Саидов олиб борди.

2007 йил мамлакатимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ушбу давра суҳбати профессор А. Саидовнинг “Аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги маърузасида ҳам ижтимоий ҳимоя — бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлиги, бу борада жойларда турли тадбирларни йўлга қўйиш, аҳоли орасида ижтимоий маданиятни шакллантириш, ижтимоий ҳимоя дастурини кенг татбиқ этишда жамиятнинг барча аъзоларини, маҳалла ва бошқа нодавлат ташкилотларни тўлиқ жалб қилишга урғу берилди.

Шунингдек, тадбир давомида Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари, доктор Р. Крумм “Ижтимоий ҳимоя тизимига немисча ёндашиш” мавзусидаги маърузасида Германияда тўпланган тажрибаларни бизнинг республикамиз билан таққослади. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, академик Р. Убайдуллаеванинг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш — Ўзбекистонда ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили” мавзусидаги маърузаси ҳам тингланди.

Қизиқарли мунозараларда фуқаролик жамиятини ўрганиш ва ривожлантириш соҳасида иш олиб борадиган социолог олимлар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, файласуфлар, жамиятшунос мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ҳам ўз фикр мулоҳазаларини баён этди. Давра суҳбати сўнгида иштирокчилар ўзларининг қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Сирдарё вилояти “Маънавият ва маърифат” марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ҳамкорлигида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Асосан муаммолар муҳокама қилинди

Бахтиёр ЎТАНОВ

Семинарда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Ф.Норматов, ФЖЎИ вилоят филиали раҳбари С.Қудратов, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Қ.Сарибоевлар кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилишди. Шундан сўнг мавзу доирасида баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар бугунги кунда ОАВ таҳририятлари олдида турган муҳим вазифалар, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, газета савияси ва сифатини яхшилаш, обунани ташкил этиш, газетани чоп эттириш билан боғлиқ муаммолар, айрим журналистларнинг аҳлоқ-одобга зид хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, муҳаррирлар ва мухбирларнинг малакасини ошириш, ёш журналист кадрлар тайёрлаш базасини мустаҳкамлаш, Юртбошимизнинг маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни ёритишга алоҳида ёндашиш, фуқароларни, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини унутмаслик, “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишда, энг аввало, ногирон, фахрий журналистларни ижтимоий ҳимояга олиш, уларга ғамхўрлик кўрсатишни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарурлиги таъкидланди.

Жараён

Муштарак ғоя ва мақсад уйғунлиги

Ваҳоб ҚЎЧҚОРОВ,
фалсафа фанлари номзоди

Мамлакатимиз фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан борар экан, бу жараёнда ҳаётнинг ҳар бир жабҳасидаги ўзгаришларни турли миллат ва элатларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятисиз тасаввур қилиш мушкул. Зеро, ҳозирда истиқлолнинг беназир имкониятларидан баҳраманд бўлаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари муштарак ғоя ва мақсад йўлида, халқимизнинг озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, муштарак ғоя, ягона туйғу – Ватан туйғусини ўз қалбига жо қилиш, Ватан қисматини ўз қисмати деб билиш ҳар бир халқ вакилининг қалб гавҳарига айланмоқда. Бу Республика байналмилал маданият марказининг 15 йиллиги юбилей тантаналарида янада яққол намоён бўлди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона миллий сиёсат туфайли турли миллатлар орасидаги ижтимоий тотувлик, ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бўлаётган жаҳоншумул ўзгаришларга барча миллат ва элат вакиллари ўз ҳиссасини қўшиб келишмоқда, хоҳ у спортда бўлсин, хоҳ у таълим тизимида ёки соғлиқни сақлашда... мақсад сари интилишда ягона куч бўлиб, мамлакат байроғини янада юқорига кўтариб оламга танитмоқдалар. Улар орасида Ўзбекистонни ягона ватан деб билган Руслан Чагаев, Артур Григорян, Венера Зарипова... ёки Ўзбекистон Қаҳрамони И. Хлебушкиналар номини шараф билан тилга олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ўтказаётган миллий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши барча миллатларнинг равнақи учун тинч шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бу соҳада кейинги йиллардаги энг катта ютуғимиз умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларо тотувликдир. Одамларимиз онгида ана шу қадрият тушунчаси кун сайин ошиб бораётганлигидир дейиш мумкин.

Азалдан бизнинг мамлакатимизда барча эл-халқ, миллатлар бир бўлиб яшаб келганлар. Ҳолбуки, иккинчи Жаҳон уруши йилларида ҳам Ўзбекистон фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинган 1 миллиондан ортиқ кишини қабул қилди, уларга меҳр-мурувват кўрсатиб, ўзбек оилалари ўз бағрига олди.

Маълумотларга кўра, сўнгги 200 йилда 36 мамлакатда 40 та, 2005 йилнинг ўзида эса 30 мамлакатда 36 ҳарбий низо содир бўлган. Уларнинг 27 таси, яъни 75 фоизи бундан 10 йиллар олдин бошланган. Бундай келишмовчиликлар, ихтилофларнинг



замирида ётувчи асосий сабаблардан бири ҳам миллий масалалар, яъни миллатлараро тотувликнинг қаеригадир кетган дарзлардир. Аммо бизда Аллоҳга шукурларким, бунинг акси: барча миллат, элатларнинг маданияти ва урф-одатларига ҳурмат ва уларнинг гуллаб яшнашига имконият ва шарт-шароитлар мавжуд.

Ўзаро дўстлик, хамкорлик Конституциямизнинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир, деган қоида билан мустаҳкамланиб қўйилган.

“Мен 1997 йилнинг сентябрида ўзимнинг тарихий Ватаним бўлмиш Жанубий Кореяга сафар қилдим, — деб хотирлайди Г.Ким, — Орадан бир ҳафта ўтмасдан мен Ватаним, туғилиб ўсган ерим Ўзбекистонимни соғина бошладим. Шунда мен дунёда Ўзбекистондан кўра азизроқ жой йўқлигини ичимдан туйдим... Нега Ўзбекистон мен учун шундай азиз бўлиб қолди? Чунки мен шу ерда ўсдим ва шу ерда яшаяпман. Энди менинг келажак ҳаётим ҳам шу Ватан истиқболи билан чамбарчас боғлиқ”.

Ёинки, “...бир гал Туркманистонга бориб бир катта тўйда кураш тушдим. Ишонасизми, 16 полвон билан олишиб, барчасини енгдим. Тўйдан сўнг одамлар биз тушган автобусни ўраб олишди. “Шу мард, паҳлавон ўғлингизни бизга қолдиринг, йўқ деманг!” — деб туриб олишди. Табиийки, бу таклифга на мен, на отам рози бўлдик, — деб хотирлайди машҳур спортчи, кураш бўйича жаҳон чемпиони Махтумқули Маҳмудов, — Отам ётиғи билан: “Биродарлар, мени тўғри тушунинг, менда зарра ихтиёр йўқ. Махтумқули менинг полвоним эмас, у Сурхондарёнинг, Ўзбекистоннинг полвони”, — дедилар.

Хуллас, байналмилаллик миллатлараро тотувлик, бир-бирини тўғри тушуниш, ўзаро ҳамкорлик нафақат юқоридаги мисолларда, балки ҳаётнинг барча соҳаларида — таълим тизимидаги шарт-шароитлар (хорижий тилларга ихтисослашган факультетлар, ўқув даргоҳлари), тиббиёт, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда кўзга ташланади. Яъни ўзбекнинг тўй-маъракаси тожику қирғизсиз ўтмагандай, рус куй-қўшиқлари барча ўзбекистонликлар учун ҳам қизиқарли ва қадрлидир.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 27 миллатнинг 138 миллий-маданий маркази фаолият юритмоқдаки, ҳар бири ўзларига хос тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш билан бир қаторда, ягона ғоя, ягона мақсад сари интилмоқда, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, ягона ғоя бу аввало барча миллатларни ягона куч бўлиб бирлаштирувчи, жипслаштирувчи ғоя. Бу ғоя умуминсоний қадриятлар баробарида ўзбек халқининг турли миллатлар билан уйғун тарзда, энг гўзал ва эзгу анъаналари, миллий тафаккур дурдоналаридан баҳра олган, демократлашаётган фуқаролик жамиятининг ғояси ҳамдир. Бу ғоя маҳдудлик, тушкунлик, забунликни истисно этиб, миллий ўзликни англаш, тенглар ичида тенг бўлиш, ютуқлардан ифтихор туйиб, инсонни улуғловчи, дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик орқали фаровон турмуш сари элтувчи ғоя бўлиб, келажакка бўлган ишончни ўзида мужассам этади.

Кузатув

Ижара керакми?

Унда “сквер”га бор!

Кўп қаватли уйда яшаётганлар бу воқеанинг бир неча маротаба гувоҳи бўлган бўлиши табиий. Тунги соат уч-тўртлар оралиғида деразангиздан ташқарига қарасангиз тез-тез одим ташлаб, қўлидаги қоғозларни деворларга ёки умумий кириш эшикларига елим билан ёпиштираётган шарпаларга кўзингиз тушади. Сассиз ва жуда тез ҳаракат қилиб ўз ишини бажараётган бу кимсалар маклерлардир. Оддийроқ қилиб айтганда даллоллардир.

Азим РЎЗИЕВ

Шарпалар кимлигини айтганимдан сўнг ёпиштирилаётган қоғозларда нималар ёзилганини фаҳмладингиз деб ўйлайман. Яшаётган уйимиз деворларига қистирилган бу қоғозлар арзон рекламадир. Қоғозларнинг аксариятида бир хил сўзлар ёзилган. Яъни “Продаю” (сотаман), “Куплю” (сотиб оламан), “Сдам” ёки “Сдаю” ва телефон рақамлари битилган. Ўша қоғозлардаги телефон рақамларини бирига сим қоқаман.

— Алло, салом! Эълон бўйича телефон қилаётгандик. Ижарага уй керак эди.

— Сизга неччи хонали уй керак?

— Бир хонали бўлса ҳам бўлаверади...

— Менда, Чилонзорда тўртта вариант бор. Шулардан иккитаси бўмбўш, фақат телефони бор. Иккаласи ҳам биринчи қаватда. Нарх масаласига келсак юз доллар!

— Арзонроқ қилишнинг иложи йўқмикин?

— Ока, ижара ҳаққи қимматлашиб кетди-ку. Юз долларга уй топишни ўзи амри маҳол бўлиб қолди.

— Яхши, сиз хизматингиз учун қанча оласиз?

— От билан туя олармидим?! Эллик фоизини оламиз-да! Яъни эллик доллар...

— Биринчи ой 150 доллар тўлашга тўғри келар экан, бўлмайди.

Шу билан гўшаклар жойига қўйилади. Эртаси куни чиқмаган жондан умид деганларидек “Сквер”да жойлашган уй-жой сотиш ҳамда ижара билан таъминлаш бозорига йўл оламиз. У ерда кўкрагига турли хил эълон ёзилган қоғозларни осиб олган аёл ва эркакларни учратамиз. Бозорда одам гавжум. Айниқса, шанба ва якшанба кунлари янада кўпайиб кетади. Турли бақириқ ва чақириқлар қулоқни қоматга келтиради. Яна ўша ҳар доимгига ўхшаш “Сотамиз”, “Оламиз”, “ижаралар бор”. Шу пайт бир чеккада (бақираверіб оғзи оғриган бўлса керак) жимгина сегарет чекиб ўтирган хотинни (У ҳам кўкрагига “Сотаман” деб ёзиб олган) гапга тутамиз деган ният билан олдига яқинлашгандик. Унинг ўзи тилга кирди:

— Болалар, ижарага уй керакмиди?

“Ҳа” дегандек бош иргаб қўямиз.

У шунақа тез гапирардики, айтаман деган гапимиз оғзимизда қолиб кетди. У ҳам барча маклерлар сингари қаерлардадир ижарага уй борлиги, уларнинг шароитлари ҳақида батафсил маълумот берарди. Нархига келганда оғзини тўлдириб энг арзони 150 доллар, дейди. Хизматим учун эллик фоизини оламан, деб гапдан тўхтади ҳалиги қорачадан келган хотин.

Буни қаранг, биз ҳам пул топамиз деб юрган эканмиз-да. Пул топишни бунақа йўллари ҳам бор экан. Бир кунда эллик доллар қорин оғритармиди!? Агар омади келиб уч-тўртта уйни ижарага топширса икки юз “кўки”дан накд дегани. Бу фақат ижарага берилаётган уйлар орқасидан келаётган фойда, холос. Сотилаётган уйдан қоладиган даромад анча катта суммани ташкил қиладиёв. Лекин бу харидорга оғир бўлмайдими? Айниқса, ижарага турадиган талабалар қийналиб қолмасмикин? Сотилаётган уйларни нархи ошиб кетиши ҳам шунга кўпроқ боғлиқмасмикин?

Тўғри ҳамма вақт ҳам маклерларнинг иши юришавермайди. Баъзида тушлик қилишга пул тополмай гангиб ҳам қолади. Шунда уларнинг асл башараси намоён бўлади — қаллобликни амалга оширади. Қандай қилиб дейсизми? Сизу бизга ўхшаган одамларни шунақа алдайдики, чув тушганингизни сезмай қоласиз. Ўша бозорда бир хотин бор. У ўтирган стол устида ҳар хил исм-шарифлар ҳамда телефон рақамлари ёзилган қоғозлар туради. Содда ва вилоятлардан яқиндагина келган кишилар улар учун “ўлжа”га айланади. Яъни, ҳали юқорида айтиб ўтилган телефон рақамларини минг сўмга пуллайди.

Мана шу рақамларга телефон қиласиз, ижарага уй беради, дейди. У берган рақамларга сим қоқасиз ва бошқа жойга, бирор бир идорагами ёки шунга ўхшаш жойга тушиб қоламиз. Алданганимиз етмаганидек, таънаю дашном эшитганимиз қолади. Бу “тадбиркорлик”нинг бир кўриниши холос.

Ижарага уй топишимиз шарт. Мабодо тополмайдиган бўлсак, кўчада қолишимиз тайин. Меҳмонхонага борайлик десак чўнтак касалроқ. Биз ўша вақти ҳамма нарсага тайёр бўламиз. Шунда маклерлардан яна бири бизга арзонроқ ва шароитлари қулай уй таклиф қилади. Буларни эшитиб рози бўламиз.

Давоми 2-бетда.

Хушхабар

Кореянинг «хурсанд» газетаси

Дурдона АЛИМОВА

Тараққиёт йўлидан борар эканмиз, мамлакатимиз ҳаёти чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам ёритилаётгани қувонарли ҳол. Жумладан, Жанубий Корея матбуотида Ўзбекистон мавзусига бот-бот мурожаатни кўриш мумкин. Яқинда эса ўзбек тилидаги илк газета нашрдан чиқди. “Корея Хурсандман” деб номланувчи мазкур газета ўз ичига Ўзбекистон ва Корея ҳаётига оид мақолалар, қизиқарли янгиликлар, халқаро хабарларни қамраб олган. “Корея Хурсандман” аслида Кореяда истиқомат қиладиган ўзбеклар ва бошқа ўзбек тилини биладиган аҳоли учун мўлжалланган.

Афзаллик томони шундаки, энди ўзбеклар Ватандан олисда ҳам ўз юртлари ҳаётидан она тилларида хабардор бўлиш имкониятига эгалар. Газета таҳририяти Кореяда шартнома асосида фаолият кўрсатаётган ўзбеклар билан учрашиб, уларнинг яшаш шароити ва муаммолари билан ўртоқлашади. Хизматдагилар мазкур газета орқали ўз мақолалари билан иштирок этиш истагини билдиришган. Газетадан ажратилган “Корейс тилини ўрганамиз” рукни ҳам улар учун қулайлик яратмоқда экан. Бундан ташқари Кореяда яшаётган яқинларингизни таваллуд айёмлари билан “Корея Хурсандман” газетасига мактуб, қўнғироқ ёки интернет орқали хабар юборишингиз, муборакбод этишингиз мумкин.

Газетада эълон қилинган аксарият мақолалар Ўзбекистонга тегишли. Корея ҳаётига оидларида ҳам Ўзбекистонга урғу берилади. Масалан, “Кореяда” саҳифасида берилган янгиликлардан бирида кўпчилик ёшлар севиб томоша қилган “Қиш сонатаси” филми “энг яхши драма” деб топилганлигидан ҳикоя қилувчи хабар билан бирга, бу филмнинг Ўзбекистондаги мухлислари ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Шунингдек, Кореяда чиқаётган газетада миллий куйлар ижрочиси Турғун Алиматов, қўшиқчи Озодбек Назарбеков каби инсонлар ҳақида янгиликлар олиш, ўзбек қадриятлари акс этган маърифий ҳикоялар, буюк алломаларимиз ўгитларини ўқиш, фотосуратларда миллийликни кўриш барча учун мароқли бўлса керак.

Газетанинг келгуси чиқишлари ҳақида мухлислардан турли таклиф ва истаклар тушмоқда. “Корея Хурсандман” ҳали ёш нашрлар қаторида бўлгани учун, албатта, камчиликлардан холи эмас. Аммо бугунги изчил меҳнат нуқсонларни енгиши, газета ривожига хизмат қилишига ишонч билдириш мумкин.

Жиноят

Подполковник ўн йилга кесилди

Терговчининг рўпарасида ўтирган ёшгина аёл шошапиша алланималарни гапирар, қўрққанидан тергов учун аҳамияти бўлмаган гапларни ҳам қайта-қайта такрорлар эди. Бу бежиз эмас. Чунки бошини эгиб олганча стулга омонатгина ўтирган бу аёл бошидан кечирган савдолар ҳар қандай тошбағир кишини ҳам бефарқ қолдирмас эди.

Алишер ИСЛОМБЕКОВ

Турмуш ташвишларига кўмилиб юрган Роза 2005 йил бошларида Дубайга ёш аёлларни юбориш билан шуғулланиб юрадиган бир аёлни учратиб қолди. Фирибгар аёлнинг у ердаги ҳаётни мадҳ этувчи ёлғон-яшиқ, аммо мароқли ҳикоясини эшитиб ўтириб, беихтиёр боришга розилик бериб юборганини ҳам билмай қолди. Мўмай пул топиб келиб, рўзғорнинг кам-кўстини битириб олишни кўзлаган эди у ўшанда. Алдамчи хаёллар билан банд бўлиб қолган Роза товламачи аёл ҳужжатларни қандай йўл билан расмийлаштирганига ҳам қизиқмади.

Ноқонуний йўллар билан Қирғизистон орқали Бирлашган Араб Амирликларига олиб кетилган бу аёл бегона юртда қўлма-қўл бўлиб, анча сарсон бўлди. Уни сотиб олган хўжайинлар фоҳишаликка мажбур қилишди. Бечора аёл вақти-соати келиб, маҳаллий полиция қўлига тушди ва ўз юртига бадарға қилинди. 2006 йилнинг август ойида жазирама Арабистондан учган самолёт Тошкент заминига оҳиста қўнганида, у 10 ой ичида бошидан кечирган қора кунлари тарих бўлиб қолганига ич-ичидан шукроналар айтган эди.

Тошкент халқаро аэропортида чегара назоратидан ўтаётган бу аёл чет элга ноқонуний йўл билан чиқиб кетганлиги маълум бўлиб, сўров-суриштирув ишлари бошланди. Унинг ишига доир ҳужжатлар Тошкент аэропортидаги тармоқ ИИБ тергов гуруҳига келиб тушди. Мусофирчиликда хўрланиб, эзилиб ўз юртига қайтган аёлни олдинда анча-мунча савдолар кутиб турган экан. Милиция терговчиси билан дастлабки суҳбатдаёқ унинг совуқ муомаласи, илмоқли гапларидан буни сезган шўрлик аёл ўзини йўқотиб қўяёзди. Сабаби, милиция подполковниги дона-дона қилиб айтган гаплар анчагача унинг қулоғида жаранглаб турарди: “Сени 3 йил турмаю жарима кутиб турибди, агар 500 доллар берсанг, ишни ёпиб ташлайман, мабодо бош тортсанг, жиноят иши қўзғатиб, ишни судга ошириб юбораман!”

Нима қилишни билмай боши қотган Роза икки-уч кун ўй-хаёллар гирдорбида қолди. Терговчи ишни тезлатиш ҳақида қўнғироқ қилгани уни ҳушига келтирди, таниш-билишларга зир югуриб пул қидира бошлади. Айтилган пулнинг бир қисмини аранг топди. Лекин уни терговчига келтириб беришга ўйланиб қолди. Чунки танишларидан бири унга милиция терговчиси жазо чорасини атайин бўрттириб кўрсатаётгани, шу сабабли унинг тузоғига илиниб пора бериш ўрнига ўзидан кетиб қолган терговчи ҳақида тегишли жойга мурожаат этишни маслаҳат берган эди. Мулоҳазали бу гап таъмагир терговчининг ноғорасига ўйнашни истамай турган Роза учун маъқул келди ва эртаси куни у ариза билан Миллий хавфсизлик хизмати қабулхонасига мурожаат этди.

Бу аёлнинг бошига тушган савдолар, терговчи ўтказаётган босимдан хабар топган оператив ходимлар вазиятга тўғри баҳо бериб, дарҳол тегишли чораларни белгилашди. Таъмагир терговчи мўмай текин даромадни кутиб турган кунларда уни жиноят устида қўлга олиш тадбири ишлаб чиқилди.

Роза терговчига қўнғироқ қилиб, фақатгина 300 АҚШ доллари топгани, қолган 200 долларни кейинроқ келтириб беришини айтганида, Хожиев уни ўз ҳузурига чақирди. 300 доллар пулни олаётган Жалолиддин ҳатто “Бу пуллар қалбаки эмасми”, деб сўради. Аёл мабодо улар қалбаки бўлса ўзи алмаштириб беришини қўшиб ҳам қўйди. Бундан тинчланган терговчи бамайлихотир пулни олди, аммо ҳазм қилишга ургурмади. Унинг жиноий ҳаракатига хонага кириб келган Миллий хавфсизлик хизмати ва Тошкент шаҳар прокуратураси ходимларидан иборат тезкор гуруҳ чек қўйди. Бировнинг бошига тушган бахтсизликдан текин даромад топмоқчи бўлган терговчи Жалолиддин Хожиев қўлига кишан солингандагина ўзига келди, катта хато қилганини англади. Лекин ғишт қолипдан кўчган эди.

Тошкент аэропортидаги тармоқ ички ишлар бўлимининг катта терговчиси Жалолиддин Хожиевга нисбатан юритилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида кўриб чиқилди. Милиция подполковниги Жалолиддин Хожиевнинг фуқаро Р. Габбасовадан унга нисбатан жиноят иши қўзғатмаслик эвазига пора олгани тергов ҳужжатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва далилий ашёлар ёрдамида тўлатўкис исботланди. Суд ҳукми билан Ж. Хожиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми “б” бандида кўзда тутилган масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш жиноятини содир этганлиги учун 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ушбу жиноят тафсилотлари билан танишган одам беихтиёр ўйланиб қолади. Милиция подполковниги қандай қилиб жиноят кўчасига кириб қолди? Ахир у ўткинчи ҳойу ҳавасга бериладиган ёшда эмас-ку! Ички ишлар тизимида 20 йилдан кўпроқ фаолият юритиб, яхшигина маош олиб келаётган, ўзига яраша обрў-эътибор қозонган катта терговчи учун нима етишмади?

Халқимиз эркин яратувчилик меҳнати билан шуғулланиши учун биринчи навбатда тинчлик-осойишталик керак. Шу боис ҳам давлатимиз осойишталик посбонлари бўлган ички ишлар ходимларининг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш учун катта маблағ ажратиб келмоқда. Қолаверса, жамоатчилик вакиллари, тадбиркор ҳомийлар ҳам қараб туришгани йўқ. Афсус, Хожиев каби нафси ҳалалак айрим ҳуқуқ-тартибот ходимларининг кўзига булар кўринмай қоляпти, жиғилдонини хизмат бурчидан устун қўйиб, зимасидаги масъулиятни унутмоқдалар. Нафсига ён берган киши бир умр ишлаб, нимагаки эришган бўлса, ҳаммасини бир лаҳзада қўлдан чиқариши ушбу жиноят мисолида яққол намоён бўлди.

Фикр

Бир неча йиллар илгари Баликчи туманидаги Чинобод қишлоғининг шарқидан ғарбига шу ерлик аҳолининг неча йиллик орзу армони бўлган бетон анҳор ўтказилди. Бугунги пул билан баҳоланганда миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бу анҳордан сув оқмади. Анҳор нишаблиги тескари бўлиб қолган экан. Лаблунжини ўнглаш билан ундан сув оқизиб бўлмади. Охир-оқибат анҳор бузиб ташланиб унинг ўрнига пиёдалар йўлаги қилинди. Миллиардлаб маблағ ҳам, ширин орзулар ҳам кўкка совурилди. Шубҳасиз, бу ачинарли ҳолатнинг бош айбдори дипломли инженер. Бор-йўғи бир километр узунликдаги анҳорнинг оёғини осмондан келтирган шахсга сув иншоотлари мутахассиси деб кафолат берган, бу ҳақдаги расмий ҳужжатларга имзо чекканлар ҳам сутдек оппоқ бўлмасалар керак.

Имзо — кафолат

унинг жавобгарлиги бўлмоғи шарт

Абдураҳмон НАЗАРОВ



Яқинда 20 ёшлар чамасидаги икки йигитчанинг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолдим. Маълум бўлишича, улардан бири олий ўқув юртларининг бирида сиртдан ўқир экан. Университетдаги “ҳомий”сини мақтаб қолди:

— Зўр одам. Гапининг уддасидан чиқади. Уч йилдан бери бирорта имтиҳон топширганим йўқ. Имтиҳон дафтарчамга ҳатто мен номини эшитмаган фанлардан ҳам баҳолар қўйилган. Имтиҳонлар бошланишига уч-тўрт кун қолганида “шеф” билан очиқчасига гаплашамиз.

Ақл бовар қилмайдиган гап. Шу қадар ҳам бўладими?! Ахир бу элу юртга хиёнат-ку! Олим устози билан очиқчасига савдолашиб диплом олган бойвачча талаба эртага ким бўлади?! Худо кўрсатмасин, сохта дипломини дастак қилиб, яна кимнингдир тирови билан мансабдор бўлиб қолса борми (унинг асл муддаоси шу, билимдон мутахассис бўлиш эмас), унинг қўл остидаги кишилар ҳолига маймунлар йиғламайдими?! Давлатимиз хазинасига миллиардлаб зарар келмайдими?!

Ушбу сатрларни ёзар эканман, филология фанлари доктори Ҳошимжон Раззоқовнинг (жойи жаннатда бўлсин) бир даврада айтган: “Боланг ўғри бўлса бўлсин, фаросатсиз раҳбар бўлмасин”, деган сўзлари ёдимга тушди. Устоз ҳақ гапни айтган экан. Билимсиз ва фаросатсиз ҳар қандай раҳбар жамиятнинг, тараққиётнинг кушандаси эканлигига такрор-такрор гувоҳ бўлдим.

Яқин ўтмишимизда яққол кўриндики, мустабид жамиятга билимсиз ва мушоҳадасиз мансабдорлар зарур экан. Шунинг учун ҳам у жамият аввал бошданоқ ишни билимли, оқ билан қоранинг фарқига борадиган кишиларни қирғинбарот қилишдан бошлади. Кейинчалик маълум бўлишича, ҳукуматнинг миллий республикаларда билимдон кишилар кўпаймасин деган махфий кўрсатмаси ҳам бўлган экан.

Шунинг учун ҳам мактабдан тортиб олий ўқув юртигача сон кетидан қувилди-ю, сифатга эътибор берилмади. “Иккисиз — икки йилликсиз” шиори билан мактабда қобилиятсиз ўқувчи йўқ, қобилиятсиз ўқитувчи бор дейилди. Олий ўқув юртларида талабанинг билимига эмас, чўнтагига қараб баҳо қўядиган олимлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу юқумли ва яшовчан касаллик экан. Афсуски, бу оғир дарддан қутилишнинг ҳозиргача иложи бўлмаяпти.

Таълим соҳасидаги эскича услуб ва қарашларга барҳам бериш учун ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ҳукуматнинг янги таълим дастури, таълим меъёри каби қатор ҳужжатлари қабул қилинди. Аммо айримлар таълим-тарбия бўшашиб кетди деса, айримлар эса ўқувчи ва талабаларнинг ўзида билим олишга қизиқиш сусайяпти, демоқда. (Биз юксак қобилиятлар, билим олишга иштиёқмандликлари билан тараққий этган мамлакатларда ҳам олқиш олаётган ёшларимиз борлигидан кўз юммоқчи эмасмиз).

Демак, таълим-тарбия соҳасидаги бугунги кунининг бош муаммоси ёшларни илм олишга қизиқишини янада ошириш чораларини кўришдир. Бизнинг фикримизча, ана шундай чораларнинг энг муҳими барча ўқув даргоҳларида адолат мезонларига қатъий риоя қилишдир. Талаба учун устознинг яшаш тарзи, ибрати муҳим аҳамиятга эга. Талабага таъмагирлик илинжида қарайдиган “устоз” фақат қадрини эмас, ўқув даргоҳининг ҳам, илмнинг ҳам қадрини поймол қилади. Ўқув даргоҳларида кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик, таъмагирлик каби иллатларга узил-кесил зарба берилмас экан, бу борада жиддий ютуқларга эришиб бўлмайди.

Имтиҳон дафтарчасига имзо чекаётган профессор талабанинг шу соҳа бўйича мутахассислигига кафолат бераётганини, Ватанимиз, жамиятимиз, келажагимиз тақдири ёшларнинг чуқур билимига, ахлоқига боғлиқ эканини, бу борадаги масъулиятсизлик, лоқайдлик элимизга, юртимизга хиёнат эканини билиб, бунинг учун ҳамиша жавобгарлигини ҳис қилиб турса, таълим соҳасидаги мавжуд нуқсонлар тезроқ бартараф этилиши мумкин.

Ижара керакми?

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Маклер ҳозир уй эгаси ишда эканлиги, кечки пайт у билан учрашиш мумкинлигини айтади. Бунга ҳам кўнамиз. Кейин маклер: «Яна фалон соатда, фалон жойда учрашамиз, менга «залок»ка(?) пул беринг. Белгиланган жойга келмай қолишингиз мумкин. Мен йўлкирага тушаман», деб сиздан пул олади. Ва ўзининг телефон рақамларини беради. Рози бўлмасдан иложимиз йўқ! Белгиланган вақтда ҳалиги маклерга қўнғироқ қиламиз. Гўшакдан “Кечирасиз, бу рақам тармоқда йўқ”, деган овоз эшитилади.

Биз яна бир алданамиз! Эртаси куни бозорга борамиз. Ҳарчанд уринмайлик маклерни дом-дарагини тополмаймиз...

Бу ҳақда ёзишимни бир нечта сабаблари бор. Хориж давлатларида уйларни олди-сотди ишлари ёки ижарага уй топиш билан шуғулланадиган ташкилотлар борлиги ҳақида эшитганмиз. Республикамизда ҳам шундай ташкилотлар ташкил қилиш вақти келмадимикин? Ана шунда ҳеч ким алданмасмиди? Ёки олинадиган ҳақлари эллик фоиз эмас, йигирма фоиз бўлармиди? Агар юқорида айтилган ташкилот республикамизда бўлса, нега унинг фаолияти кўзга ташланмаяпти? Яна бир масала, гап бошида айтиб ўтган шарпаларга қарши чора кўриш лозиммасмикин? Чиройли қилиб оқланган ёки бўялган эшик-деворларимизга қоғоз ёпиштирилишига қараб тураверамизми?

...Бугунги кунда шаҳримизда уй-жой масаласи мураккаб масаладир. Шунинг учун ҳам бу йўл билан пул топиш кимларгадир осон кечмоқда. Кўпчилик эса бундан азият чекмоқда. Уй-жой масаласидаги тадбиркорликни тартибга солиш, қонуний тизимга келтириш ҳеч кимга зарар қилмайди (баъзилар бундан мустасно), деб ўйлаймиз.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Жавоб

Ар-Розий — тўқима образ

Газетанинг шу йил 21 февраль сонида чоп этилган журналист Донагул Жўраеванинг “Қайси ар-Розий?” деган хатини ўқидим. Менинг “Ибн Сино” тарихий романимга бўлган қизиқиши учун Доногулга миннатдорлик изҳор қиламан.

Ҳар бир ёзувчи тарихий романга қўл урганида ҳатто бир вақтлар яшаб ўтган кишилар ҳаётига ҳам эркин ёндашади. Унинг тарихий шахс ва тарихий воқеаларни айнан, бирор ўзгаришсиз тасвирлаши шарт эмас. Акс ҳолда тарихий давр ҳақиқати бадиий тўқима билан бойимаган ва бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилмаган бўлар эди.

Маълумки, менинг “Ибн Сино” тарихий романим 1995 йилда “Шарқ” нашриётида босилиб чиққан. Шундан бери ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо шунга қарамай, китобхонлардан ҳамон миннатдорчилик хатларини олишда давом этмоқдаман. Танқидчилар ҳам роман ҳақида илиқ ва анча ибратли фикрларни баён қилишган.

Энди Доногул Жўраеванинг саволига келсак, қизимиз ёзганидек, ибн Сино сарой табиби бўлиб ишлаган даврда Закариё ар-Розий оламдан ўтиб кетган бўлиши мумкин. Лекин камина романда Ибн Синога қарши курашган, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига қаршилик кўрсатган табибни ар-Розий деб атаган эканман, бу ном муайян тарихий шахсни, яъни Закариё ар-Розийни эмас, балки умумлашган бадиий образни англатади, деб ўйлайман.

Мен Донагулдан ар-Розий образини аниқ тарихий шахс эмас, балки Ибн Синога қарши курашган сарой табибларининг умумлашган образи сифатида идрок этишини истайман.

Эҳтиром билан
Мақсуд ҚОРИЕВ

Туғруқхона машмашаси

Мактуб

Сизларга ёзаётган хатим айрим касалхоналаримизда юз бераётган тартибсизликлар ҳақида. Балки Тошкент шаҳрида аҳвол яхшидир, аммо чекка шифохоналар ҳақида, афсуски, бундай деб бўлмайди.

Кўп узоққа бормай, ўзим истиқомат қилаётган Янгиер шаҳридаги марказий касалхонанинг туғруқхона бўлими ҳақида гапирмоқчиман.

Дейлик, оилангизда “янги меҳмон” кутилмоқда. Аёлингизни олиб, туғруқхонага келишингиз билан даволовчи врач турли-туман, керак-нераксиз дориларнинг номлари ёзилган қоғозни тутқазиб, пул талаб қилади. Бола туғилганидан сўнг ҳам ҳали ҳамшира, ҳали энага, ҳали яна бошқаси “суюнчи” сўрашда лўлини ҳам ортда қолдиришади. Хурсандлигингиздан пулнинг бетига қарамайсиз. “Суюнчи”га тахминан 20-25 минг сўм кетади. Врач дарров янги “рецепт” ёзиб беради ёки “Биласизми, кеча хотинингизни аҳволи озгина оғирлашувди. Фалон-фалон дорилар керак бўлди. Яхшиямки, катта ҳамширамиз Садоқатхонда бор экан. Ўшаларни ишлатдик. Энди ўшанинг ўрнини тўлдириб, дори олиб берасиз-да”, дейди жилмайиб. Сўнг Садоқатхон сизга бир дафтар варағига ёзилган дори-дармоннинг рўйхатини кўрсатади. Рўйхатни кўтариб, дорихонага борасиз. Дорифуруш ҳайрон бўлади:

— Ака, шу укколларни ҳаммасини бир кечада қилишибдими?

Дориларни олиб яна врачни олдига чопасиз. Аммо у сизга яна бир рўйхат тайёрлаб туради. Бу энди керак бўладиган дорилар рўйхати. Ҳамшира ва санитарларнинг ўзларини тутишини таърифлашга тил ожиз. Баъзи-баъзида кимнингдир чўнтагидаги пули йўқолади. Ҳатто касалнинг тумбочкасидаги нарсани ўзидан сўрамай олиб кетаверишади.

Уч-тўрт кун ўтгач, ниҳоят, жавоб тегади. Аёлингиз ва янги туғилган чақалоқни уйга олиб кетадиган кун келади. Аммо сиз касалхона фондига “хайрия учун” “ўз хоҳишингиз” билан бир неча минг сўм тўламагунингизча кетишни ўйламай қўя қолинг!

Э, айтадиган гап кўп-у, унга вақт керак. Балки, бошқа жойларда аҳвол бошқачадир. Аммо, бизнинг Янгиерда аҳвол ана шунақа.

Муҳсин МУҲАММАД

Ҳамкасб

Ҳамкасбимнинг қайноқ ҳаёт, ижод йўлидан ҳикоя қилувчи мақола аввалида шеърият мулкининг султони Алишер Навоийга мурожаат этгим келди: «Сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардан қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди... Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танда руҳи бор одам зоти унга ихтиёр сезади».

Чиндан-да улуғ бобокалонимиз таърифлаганидек сўзнинг сеҳри, меҳри бўлакча. Айниқса, биз — журналистлар бунинг моҳиятини бошқалардан кўра тераноқ ҳис этамиз. Чунки, сўз — бизнинг қуролимиз, ошу нонимиз.

Турсунбой КАМОЛ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

Салоҳиддин аканинг салоҳияти

Салоҳиддин Сафаров ҳам шу касб орқасидан обрў-эътибор топган, юксак мартабага эришган фидойилардан бири. У етмишинчи йилларнинг аввалида журналистика соҳасига кириб келди. Сирдарё вилояти радиоэшиттириш қўмитасида 4 йил муҳаррир бўлиб ишлаб, ўзининг ишчан ижодкор эканлигини кўрсатди. Бу орада Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг журналистика факультетида сиртдан таҳсил олди.

Ташаббускор ва ташкилотчи кадрларга ҳамма жойда ҳам эҳтиёж кучли. Жиззах вилояти телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясида Салоҳиддин ака ёшларга хос ғайрат-шижоат билан ишга киришди. Дастлаб катта муҳаррир, кейинчалик бош муҳаррир, раис ўринбосари, 1993 йилдан раис этиб тайинланди.

2000 йилдан эътиборан «Жиззах ҳақиқати» — «Джизакская правда» газеталарининг бош муҳаррири бўлиб ишлаётган Салоҳиддин Сафаров раҳбарлик иқтидори, салоҳиятини вилоят бош нашрларининг мазмун-мундарижасини оширишга, таҳририятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, журналистларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга бахш этиб келяпти.

Шу ўринда бир мисол. Ўзбекистонда биринчи бўлиб, вилоят газеталари бирлашган таҳририяти ўз босмахонасига эга бўлди. Вилоят газеталари бош муҳаррирларининг Қаршида бўлиб ўтган семинарида Жиззахдаги бу илғор тажриба ҳақида илиқ фикрлар билдирилиб, уни мамлакат бўйлаб кенг оммалаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Албатта, бу янгиликнинг амалга ошишида биринчи навбатда Жиззах вилояти ҳокимлигининг, қолаверса, газета бош муҳаррирининг муносиб ҳиссаси борлиги барчага аён.

Мана бу муваффақият ҳам шу жамоада меҳнат қилаётган қаламкаш сифатида қалбимизни қувончга тўлдиради. Таҳририят ўтган йилнинг охирларида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган танловда ғолиб чиқиб, 10 миллион сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлди.

Таҳририятнинг ёрдамчи хўжалиги ходимларни бепул қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланишига имконият яратмоқда. Ходимларнинг саломатликларини тиклаш учун уларга қўшимча маблағ ажратилаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож журналистлар оиласига ҳар томонлама эътибор қаратилаётгани, газетада чоп этилган энг яхши мақола учун 20 минг сўм миқдорида ойлик мукофот таъсис этилгани, бўлимлар компьютер ва компьютер воситалари билан босқичма-босқич таъминлаб борилаётгани биз — жиззахлик журналистларни янги ижодий муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда.

Салоҳиддин Сафаровга хос яна бир фазилат ҳақида сўз юритмаслик мумкин эмас. У ҳар бир байрамда фахрий журналистларни, шу даргоҳда ишлаб кетган марҳум қаламкашлар оиласини йўқлашни ўз бурчи деб билади. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни олдидан таҳририятда фаолият кўрсатган журналистларнинг оиласига меҳр-мурувват эҳсонлари билан ташриф буюрилаётгани фикримизни яққол тасдиқлайди.

Меҳрибон ота, ёшларнинг ғамхўр мураббийси, ўзи ва бошқаларга талабчан устоз... Бу хусусиятлар ҳам Сафаровда мужассам. Беш фарзандининг, икки келинининг бари олий маълумотли. Айниқса, Салоҳиддин аканинг қизи Муқаддасхонга ҳамма ҳавас қилади. Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети магистратурасида ўқиётган Муқаддас бир неча хорижий тилларни, хусусан япон тилини мукаммал билади. Уни кунчиқар мамлакатдан ташриф буюрган сайёҳлар, мутахассислар билан бемалол суҳбатлашаётганини кўриб, беихтиёр «Отасига балли-эй, бу қизнинг», дегинг келади.

— Салоҳиддиннинг ишбилармонлигига ҳавасим келади. Ғайратли, ориятли, оқибатли инсон, уни талабалик йилларидан биламан, ҳурмат қиламан, — дейди республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров. — Ўзига, қизига сабоқ берганларданман. Иншооллоҳ, невараларига ҳам сабоқ беришга муяссар бўлсак.

Салоҳиддин Сафаров шогирдлари билан бағри бутун устоз. Вилоят телерадиокомпаниясидаги ёшларнинг аксарияти Салоҳиддин акани ўзларига ғамхўр мураббий деб билишади. Унинг кўплаб шогирдлари бугунги кунда республика оммавий ахборот воситаларида фаол меҳнат қилишяпти.

Ўзи ва ўзгаларни қувонтириб яшаётган бундай инсонларнинг борлиги ва омонлиги билан ҳаётимиз мазмунли ва нурафшон.

Нигоҳ

Польша:
Манфаатлар тўқнашаётган мамлакат

АҚШ томонидан Польша ва Чехия давлатлари ҳудудида ракета ҳужумидан мудофаа тизими қурилиши тўғрисида хабарлар тарқалган илк пайтларданоқ ушбу ташаббус қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Россия ушбу ҳаракат ортида минтақа хавфсизлиги учун катта бир хатарни кўрди. Расмий Вашингтон эса бу бор-йўғи ракета ҳужуми эҳтимолида қўлланадиган тизим эканини билдирди.

Собиржон ЁҚУБОВ

Охир-оқибат, ушбу ташаббус ҳар икки давлат — Польша ва Чехия томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Хусусан, Польша бош вазири Ярослав Качиньский Вашингтон таклифини расмий Варшава қабул қилганини билдираркан, бу Россия томони хавфсираётганидек, минтақанинг қолган давлатларига таҳдид қилмаслигини эслатиб ўтди. Шу тариқа Польша раҳбарияти океанорти давлати билан иттифоқчиликда давом этажагини такрор намойиш этди.

Сўнгги йилларда Шарқий Европа мамлакатларининг дунё сиёсатида таъсири ошгани кузатиляпти. Хусусан, АҚШ ва Россия ўртасида минтақа учун манфаатлар кураши кетаётган бир пайтда 1990 йилларда социализм йўлидан воз кечиб, Ғарбга хос иқтисодий тараққиёт йўлини танлаган Польша ҳар икки катта давлатнинг диққат марказида турибди.

Собиқ социалистик лагернинг эътиборли давлатларидан бири бўлган Польшада 1990-йилларда-ги сиёсий янгиланишлар даврида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатда хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий, хоҳ маданий жабҳада бўлсин, оммавий равишда янгиланишлар рўй берди. Бу жараёнда мамлакатнинг кўп йиллик иттифоқчи давлати бўлган Россия билан муносабатлари ҳам ўзгарди. Польша собиқ Иттифоқ пайтида социалистик лагерь давлатлари қатори Москванинг таъсир доирасига кирган бўлса, янги халқаро муносабатлар даврида мамлакат раҳбарияти қўшни давлат таъсиридан халос бўлиш сиёсатини олиб борди. Польша очиқ-ошкора Европага юз бурди. Мамлакат дунёнинг энг етакчи бирлашмаларидан бири бўлган Европа Иттифоқига аъзо бўлишга интилди.

Польшанинг Европа уйига қўшилиш ҳаракатини Иттифоқ раҳбарияти кучоқ очиб қабул қилди. Польшанинг минтақадаги энг кўп аҳолига эга экани, шунга яраша мамлакатда ишсизлик, уйжой билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ошиб-тошиб ётгани ҳам мамлакатнинг Иттифоққа киришига тўсиқ бўла олмади. Шу тариқа 39 миллион аҳолига эга давлат 2004 йилнинг майида Европа Иттифоқига қабул қилинди.

Очиғи, Польшанинг Европа уйига киришида Иттифоққа аъзо давлатлар Варшавага ён босишди. Акс ҳолда, аҳолисининг 17 фоизи ишсиз бўлган давлат ҳеч қачон ЕИ каби иқтисодий талаб ва шартлари баланд бўлган бирлашмага киролмаган бўларди.

Польшанинг Европа Иттифоқига кириши ҳақиқий геосиёсий курашлар манзарасида рўй берди. Бу билан Европа давлатлари Россия каби энг асосий рақобатчисига ҳудудий жиҳатдан яқинлашди. Кремль ўша пайтда Польша, Чехия каби Шарқий Европа давлатларини Иттифоқ билан Россия ўртасидаги ўзига хос бетараф ҳудуд сифатида сақлашга уринаётган эди. Европа уйининг бу тариқа кенгайиши табиий равишда Москва учун кўп мураккабликлар келтириб чиқарди. Европа Иттифоқининг кенгайиши билан Россия ва минтақа давлатлари ўртасида ҳарбий соҳада ҳам айрим келишмовчиликлар юзага келди.

НАТОга қарши ҳарбий блок сифатида тузилган Варшава шартномаси ташкилоти 1990 йилларга қадар фаолият юритганди. Ташкилотнинг асосчиси собиқ Совет давлатининг тарқаб кетиши билан ҳарбий иттифоқ ҳам ўзўзидан тугатилди. Ана ўша мураккаб вазиятда Шарқий Европа давлатлари олдида мустаҳкам ҳарбий таянч ва иттифоқчи топиш масаласи кўндаланг турарди. Сиёсий курсни Европа томон бурган Польша ҳарбий соҳада ҳам Иттифоқнинг мададига ишонч билдирди. Расмий Варшаванинг мудофаа борасида иттифоқчи топиш ҳаракати мамлакатнинг 1990 йиллар охирида НАТО — Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқига кириши билан якунланди.

Польшанинг НАТОга аъзо бўлиши бир қарашда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги муаммоларга ечим топгандай эди. Бироқ Польша фақатгина Иттифоқнинг ёрдами билан чекланмади. Мудофаа борасида океанорти давлати — АҚШ билан ҳам бевосита ҳамкорлик қилишга уринди.

Халқаро кузатувчилар Польша давлати сиёсатига хос бўлган қуйидаги хусусиятни алоҳида таъкидлашади: Польша гарчи Европа уйига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган бўлса-да, мамлакат раҳбарияти табиатан Иттифоқ раҳбарларига тўла ишонч билан қарамайди. Немислар уларда шубҳа-гумон уйғотади, польяклар наздида французлар уларга баланд назар билан қарашади. Инглизларнинг миллий манфаатлар устивор бўлган сиёсати ҳам расмий Варшавага кўп-да маъқул келмайди. Шу боис, Польша давлати ҳар эҳтимолга қарши АҚШ билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Мамлакатнинг эҳтиёткор ва узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати сабаблидир, польякларга кўп ўринда «Янги европаликлар» дея таъриф беришади.

Польша муҳим географик нуқтада жойлашган. Бу эса Россия ва АҚШ манфаатлари тўқнашаётган ҳудуд сифатида мамлакатнинг аҳамиятини оширмоқда. Икки давлат ўртасида Польшани ўз таъсир доирасига олиш борасидаги кураш кўпдан бери давом этаётган эди. Бу кураш охирги пайтда янада фаоллашгандай бўлди.

АҚШ томонидан Польша ва Чехия ҳудудида ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ўрнатиш режаси айни шу курашнинг яққол ифодасидир. Польша ҳудудига ўрнатилиши кутилаётган мудофаа тизими баллистик ракеталар ҳужумини қайтаради. Албатта, мамлакатда ракета ҳужуми хавфини бартараф этишга қодир бўлган мудофаа тизимининг мавжуд бўлиши айни муддао: мамлакат тинч-осойишта, бехатар ҳаёт кечиради. Бироқ бу ўринда бошқа муҳим сиёсий жиҳатлар ҳам бор. Биринчидан, Польша ҳудудида АҚШ ҳарбий базаси бунёд этилиши мамлакатнинг миллий суверенитетига дахлдор бўлган масаладир. Бу муҳим саволларга эса одатда референдум йўли билан жавоб топилиши керак.

Иккинчидан, АҚШ Польша ҳудудида миллионлаб доллар маблағ сарфлаб мудофаа тизими ташкил этгач, табиий равишда маълум мақсадларни амалга оширишга ҳаракат қилади.

Айни пайтда мудофаа борасида кўп томонлама сиёсат олиб боришга уринаётган Польша раҳбарияти олдида ана шу муҳим масалада қатъий тўхтамга келиш, миллий мустақиллик ва хавфсизлик ўртасидаги олтин ўрталиқни топиш вазифаси кўндаланг турибди.

Тафсилот

Франция сайлов кампанияси остонасида турган бир пайтда аҳолини жиддий иқтисодий муаммолар ташвишга соляпти. Халқнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган масалалардан бири бу давлат қарзлари миқдорининг кескин ошиб кетганидир. Маълумотларга қараганда, Франциянинг давлат қарзлари сўнгги йилларда беш баравар ошган ва 1,2 триллион долларга етган. Бу эса мамлакат йиллик ялпи ички маҳсулотининг 65 фоизи демакдир

Франция: Хавотирга арзигулик муаммо

Ҳукумат томонидан мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганиш борасида тузилган Пеберо комиссияси (La Commission Pebereau) ҳисоботида ҳам ушбу хавотирли рақамлар келтирилган.

Бундан ташқари, мамлакатдаги қарияларни пенсия билан таъминлаш муаммоси ҳам кун тартибидаги жиддий масалалар ҳисобланади. Ҳозирда Франциянинг пенсия жамғармаси 430 млрд долларни ташкил этади. Бироқ бу рақам келгусида етишиб келаётган авлодни нафақа билан таъминлаш учун етарли эмас. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида Франция ҳукумати пенсия таъминоти жамғармаси (FRR) га асос солган. Дастлаб давлат ғазнасидан молиялаштирилган жамғарма сармояси 2020 йилга бориб 200 млрд долларга етиши кутиляпти. Бироқ мутахассислар бу маблағ келгуси авлодни ижтимоий таъминлаш учун етарли эмаслиги, шу боис давлат FRR тизимини янада бойитиш борасида зарур чора-тадбирлар кўриши зарурлигини таъкидламоқдалар.

FRR жамғарамасининг ривожланиши аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш баробарида мамлакатнинг халқаро майдонда нуфузини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Чунки жамғарма ҳисобидаги маблағлардан халқаро биржаларга сармоя киритиш ҳам кўзда тутилган. Шу тариқа FRR тизимини ривожлантириш Париж молия бозорининг мавқеини ўстиришга ҳам кўмак беради.

Қиёс сифатида АҚШнинг Калифорния штати давлат хизматчиларини пенсия билан таъминлаш тизими (CalPERS) ни келтириш мумкин. 200 миллиард долларлик сармоя-га эга бўлган жамғарма дунё фонд биржаларида етакчи ўринда туради. Ҳозирда Франция ҳукумати FRR ни шу каби нуфузли фондга айлантириш учун ҳаракат қиляпти.

Ёнғиндан огоҳлантиришнинг янги усули

Япон тадқиқотчилари ёнғиндан хабар берувчи янги сигнализация тизимини ихтиро қилишди. Keisoku Giken компанияси томонидан ишлаб чиқилган тизим бир қатор афзал жиҳатларга эга.

Фавқулодда ҳолатларда сигнализация автоматик равишда олдиндан киритилган уяли алоқа телефонига қўнғироқ қилади ва ёнғин ҳақида хабар беради.

Компания вакиллари янги тизим қурилиш иншоотлари, аҳоли яшамайдиган бинолар ҳамда архитектура ёдгорликларини ёнғиндан сақлашда қўл келишини билдирмоқдалар. Шу билан бирга ёнғинга қарши сигнализация яқинларидан алоҳида яшайдиган қариялар учун ҳам жуда асқотади. Япон олимларининг ушбу ихтироси 16,800 йена (140 доллар) туради.

Royal Dutch Shell Қатар конини ўзлаштиради

Royal Dutch Shell инглиз-голланд компанияси Қатарнинг Рас Лаффан шаҳрида жойлашган улкан газ конини ўзлаштиришга киришмоқда. Компания вакиллари бу борада Қатар давлат компанияси — Qatar Petroleum раҳбарияти билан шартнома имзолади.

Ушбу шартнома миқдори 10 миллиард долларни ташкил этади. Битимга кўра, Royal Dutch Shell хомашёни қазиб олиш ва ундан сиқилган газ ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Лойиҳани молиялаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Европа компанияси зиммасида.

Рас Лаффан коннинг аниқланган газ заҳираси 25 триллион кубометрни ташкил этади. Бу эса сайёрамиз миқёсида аниқланган газ заҳирасининг 15 фоизи демакдир.

Бунга қадар Американинг ExxonMobil Қатардаги энг йирик конни ўзлаштиришда иштирок этишни мўлжаллаётган эди. Бироқ бир неча кун олдин АҚШ компанияси ушбу лойиҳада қатнашишни рад этди.

Нашр

«Ҳидоят» ҳадяси

“Ҳидоят” журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Қуйида журнал саҳифаларидан сараланган сатрларни ўқийсиз.



Саодат қўрғони

Аллоҳ таоло махлуқотларидан фақат инсоннинг жуфтлик ҳаёти унинг шарафига мос ва қадрини асровчи низом (никоҳ) асосида бўлишини идора этган. Жуфтлик ҳаётларини шу низом асосида қуриб ва унинг талабларига риоя қилиб яшаган эр ва аёлнинг бахтиёр ва саодатли бўлиши муқаррардир.

Энг ёмон саккиз тоифа

Ёлғончи кишилар фақат жамиятга, оиласига зарар етказади. Ёлғончи кимса гуноҳ қилиб, “қилганим йўқ”, дейди. Оиласига хиёнат қилади, ишхонада бошлиғига ёлғон гапиради, хуллас, сувдан қуруқ чиқиши учун бебаҳо имонини ёлғонга сотади. Шунинг учун Саввари олам (алайҳиссалом): “Ёлғончи жаннатга кирмайди”, деганлар. Ёлғон сўз имонга уради ва соҳибининг юзидан нурни кетказади. Ёлғончиликнинг ёмон оқибатларидан яна бири — у жамиятга фитна солиб, одамлар орасини бузишидир. Содир бўлган бузғунчиликнинг гуноҳи ёлғон гапирганнинг бўйнида бўлади. Фақат эр-хотинни, қариндош-уруғларни, дўстларни бир-бирига яраштириш мақсадида айтилган ёлғон сўз учун азоб қилинмайди. Чунки бунда ният тамоман бошқачадир.

Турсунтоҳир ҲАЙДАРАЛИ ўғли

Эр киши шафқатли бўлади

Уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида, қиз (аёл)нинг фақат ҳуснига ёки бойлигига алданиб қолмасдан, унинг хулқу одоби, дину диёнатига албатта аҳамият бериши лозим. Чунки баъзилар қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланади. Сўнг миннат балосига гирифтор бўлади. Аёлнинг ҳусну жамолига учиб уйлангач, афсус-надомат чекканлар ҳам учраб туради.

Шу боис динимиз ахлоқ-одобли, оқила, иболи, ҳаёли жуфти ҳалол танлашга буюради. Бинобарин, қиз боланинг яхши рўзғор соҳибаси, келажакда ўз фарзандларига суюкли, меҳрибон она бўлишида диндорлигининг катта таъсири бор.

Абдураззоқ ЮНУС

Данияликлар Қуръон ўрганишяпти

Данияниng “Фанконстен” нашриёти Қуръони карим маъноларининг таржимасини ўнг минг нусхада нашрдан чиқарди. Ўтган йилнинг декабрь ойи ичидаёқ бу ададнинг тенг ярми — беш минг нусхаси сотилиб кетди. Бу кўрсаткич мазкур мамлакатда харидори энг кўп китоблар орасида иккинчи ўрин бўлиб, данияликларнинг Ислом динига ва Қуръони каримга қизиқиши тобора ортаётганлигидан далолатдир.

«Кристилг дагелбладет» газетаси

Ёруғлик сари

Диний илмлар билан дунёвий илм-фанни қушнинг қўш қанотига ўхшатишади. Агар қушнинг қаноти битта бўлса, балки учар, лекин бир доира ясаб учади, холос. Фақат икки қанотли ва иккала қаноти ҳам баравар ҳаракат қилган қушгина илдам илгарига қараб учади.

Мансурхон ТОИРОВ

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

Microsoft корпорацияси муаллифлик ҳуқуқини бузгани учун Alcatel-Lucent компаниясига ярим миллиард доллар жарима тўлайдиган бўлди.

Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлида

Ш. МУХАМОВ,
Бағдод тумани ИҲҲҚ жамияти раиси

Истеъмолчи сифатида кунда-кунора бирор муаммога дуч келамиз. Озиқ-овқат дўконидан сотиб олган маҳсулотимиз истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган бўлиб чиқади. Ёки танлаб-танлаб харид қилинган либос сифат талабига жавоб бермаслиги мумкин. Хўш, бундай ҳолатда нима қилган маъқул?

Табиийки, бу каби вазиятда ўз ҳақингизни талаб этиш учун Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси ёки унинг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилишингиз энг яхши йўлдир.

Фарғона вилояти Бағдод тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳам айни шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келяпти. Жамият томонидан амалга оширилаётган барча ишлар фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ҳамда “Иш режаси”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида туман жамияти томонидан ҳудуддаги савдо ва ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, истеъмолга яроқлилиги ҳамда сотувчи (ишлаб чиқарувчилар) санитария-гигиена талабларига риоя этиши юзасидан туман ДСЭНМ ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам мониторинг ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини кенг тарғиб қилиш мақсадида Бағдод туман ИҲҲҚ жамияти ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида “Иқтидорли ёш истеъмолчи-2006” республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўтказилган кўрик-танлов ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жамият фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, энг аввало, улардан келаётган шикоят-аризаларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Пахтаобод ҚФЙ Самандарак қишлоғида яшовчи фуқаро Сиддиқов Актамжон яшаб турган ҳовлиси ҳудудидан ўтказилган юқори босимли газ қувури эгаллаб турган ердан ўз эҳтиёжи учун фойдалана олмаётганлиги, шу сабабли эгалланган жой ўрнига фойдаланиш учун ер олишда амалий ёрдам беришни сўраб ариза билан туман жамиятига мурожаат этган. Ушбу ариза юзасидан жамият ходимлари томонидан мониторинг ўтказилди. Ариза юзасидан ҳолатга янада ойдинлик киритиш мақсадида туман газлаштириш идорасига, Пахтаобод ҚФЙ раиси номига фуқаро А. Сиддиқовга уй-жой берилиши масаласини атрофлича ўрганиш мақсадида хатлар юборилди. Пировардида А. Сиддиқовнинг оилавий шароити ўрганилиб, уй-жой олишга лойиқ деб топилди.

Туманнинг Чўринди ва Самандарак маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган фуқаролар номидан мазкур ҳудудларда ичимлик суви таъминоти юзасидан бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлиги, хусусан жойларда ичимлик суви етарли даражада етказиб берилмаётганлиги, бундан ташқари, сув тақсимлаш корхонаси томонидан етказиб берилаётган ичимлик суви таркибида турли хил таъм ва ҳид борлиги тўғрисида туман жамиятига ариза билан мурожаат этилган. Ушбу ариза юзасидан жамият ходимлари ҳамда мутахассислар иштирокида мониторинг ўтказилган. Пахтаобод ҚФЙ раиси А. Эҳсонов ва «Элмурод Абдулҳафиз» сув тақсимлагич шўъба корхонаси бошлиғи ҳамда туман “Сувоқова” корхонаси бошлиғи номига Самандарак ва Чўринди қишлоқлари ҳудудида ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш ва бу ҳақда туман жамиятига ёзма маълумот бериши тўғрисида тақдимномалар киритилган. Ҳозирда ушбу ариза юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

ИҲҲҚ томонидан туман ҳудудида жойлашган бозорларда ва савдо шахобчалари ҳамда қассобхоналардаги тош-тарозиларни давлат стандартига мослиги, сотувчилар томонидан санитария-гигиена талабларига риоя этилиши ва маҳсулотнинг сифатини доимий назоратга олиш юзасидан мониторинг ўтказиб келиняпти. Бу борада аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ва тушунтиришлар олиб боришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, жамият туман ҳудудида жойлашган бозорлар фаолиятини тартибга солиш, нархнавони сунъий ошириш ва ноқонуний олиб сотарлик ҳолларига барҳам бериш, бозорларни харидоргир товарлар билан тўлдириш юзасидан ҳам амалий ишлар олиб бормоқда.

Йод танқислиги аҳоли саломатлигига таҳдид қилиб турган бир пайтда истеъмол бозорида йодланган ош туз сотилишига эришиш муҳимдир. Бу борада “Ўзбекистонда 2005-2009 йиллар давомида йод танқислиги касалликларини камайтириш ва профилактикаси бўйича” Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида БМТ Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари томонидан семинар-тренинги ўтказилди. Тадбирда йодланган ош тузи бўйича ички истеъмол бозорида мониторинг ва ижтимоий тадқиқотларни доимий механизмини ташкил этиш борасида зарур маълумотлар олинди. Ушбу тадбирнинг амалий давоми сифатида туманда сотилаётган ош тузларини йодланиш даражасини аниқлаш учун кузатувлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Кундалик ҳаётимизни нон неъматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича деҳқон бозорларида кузатув олиб бормоқда. Сотувчининг тиббий кўрикдан ўтган ҳолда аҳолига сифатли нон маҳсулотлари етказиб беришига эътибор бериляпти.

Дорихоналарда сотилаётган дори-дармонларнинг сифати ҳам доимий назоратга олинган. Масалан, яқинда туманда фаолият кўрсатаётган “Беҳзод фарм”, “Адонис фарм”, “Шифо”, “Анис”, “Ибн Сино”, “Илҳомжон”, “Доришунос”, “Конизар фарм”, “Одилхон КТҲ” каби хусусий дорихоналарда истеъмолчиларга кўрсатилаётган имтиёзли хизматлар ва шифокор рецептисиз сотилаётган дори-дармонлар мавжудлиги, сотилаётган дори-дармонларга чек бериш, доришунос ва дорихонанинг санитария талабига жавоб бериш юзасидан мониторинг кузатув ўтказилди. Аниқланган камчилик юзасидан туман ДСЭНМга маълумотнома киритилди.

Бу каби истеъмолчилар ҳуқуқларига зид бўлган ҳолатларни имкон қадар тез фурсатларда бартараф этиш учун жамиятимиз ходимлари бор куч-ғайратлари билан меҳнат қилишмоқда. Зеро, бош мақсадимиз ҳам шу — юртдошларимизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишдир.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамда ташкилотнинг Тошкент вилояти бошқармаси фаоллари Пискент туманининг бир қатор қишлоқларига сафар қилишди ва аҳоли билан ўнга яқин учрашувлар ўтказишди.

Сермазмун учрашувлар

Ушбу учрашувларда туманнинг мингга яқин фуқаролари, тумандаги тармоқ идоралари раҳбарлари иштирок этдилар.

Тадбирларда сўзга чиққан «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2006 йил 25 августдаги «Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорларининг аҳамияти, мазкур соҳаларда амалга оширилган ва оширилиши зарур бўлган ишлар, шунингдек, халқимизнинг тарихий-маданий меросини асраб-авайлаш тўғрисида сўзлади.

Учрашувларда маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ аҳли вакиллари юртимизда кечаётган хайрли ўзгаришлар, ютуқлардан мамнуният билдириб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Аниқланган камчиликлар қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чоралар белгиланди.

«Мерос-ньюс»

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: “Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни”.*

Ифтихор

Кашмирда Амир Темур жамияти

Наим ҒОЙИБОВ,
фалсафа фанлари
доктори, профессор

Бобокалонимиз Амир Темур ҳарбий юришларининг ижтимоий аҳамиятга молик асосий мақсадлари майда-майда феодал давлатлар орасидаги бетиним уруш-жанжалларга барҳам бериш, империя ҳудудида тинчлик-осойишталик ўрнатиш, Чингизхон қўшинлари харобага айлантирган "Ипак йўли"ни қайта тиклаш, мамлакатлар ва халқлар орасида савдо-сотиқ, маданий алоқаларни ривожлантириш, юртни обод қилиш, фуқаро турмушини яхшилашдан иборат эканлиги эндиликда аниқ тарихий далиллар билан исботланди. Бу ишларни амалга ошириш силсиласида улуғ бобомизнинг яна бир хислати тилга олинади. Юқоридаги мақсадларни йўлга қўйиш бўйича маҳаллий ҳокимларга ёрдам бериш учун қўшин ичидан синалган йигитлардан бир гуруҳи шу мамлакатда вақтинча қолдириб кетилар экан.

Ҳиндистон фатҳидан сўнг Самарқандга қайтишда (1399 йил, январь) ҳам шундай бўлган экан. Деҳлидан йўлга чиқиб, Кашмирга келганида бу ўлканинг гўзаллиги, хўшбўй ҳавоси, географик муҳитининг Мовароуннаҳр ўлкаларига ўхшаб кетиши Соҳибқирон эътиборини ўзига тортган. Шунда бобомиз бу ўлкада давлатчилик ишларига ёрдамлашиш, деҳқончиликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун одатдагидек кичик гуруҳ эмас, энг яхши, сараланган, уддабурон сарбозлари, лашкар бўлинмалари бошлиқлари, бошқарув идораси ходимларидан иборат бир неча юз кишилик катта гуруҳни бу ерда қолдириб, айланиб бир келганда уларни ватанга олиб кетишлигини айтибди. Лекин шундан кейин Соҳибқироннинг йўли бу ўлкага қайта тушмаган. Амир Темур гуруҳи Кашмирда қолиб кетган...

Хўш, ундан кейин-чи? Бу гуруҳнинг тақдири Кашмирда қандай кечди? Бу саволлар мустақиллик даврига келиб ўз жавобини топди. Воқеа бундай бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги келишувга мувофиқ 1994 йилда Покистонда Ўзбекистон элчихонаси очиладиган бўлди. Шу муносабат билан чоғроқ бир дипломатлар гуруҳи ҳамроҳлигида Покистонга хизмат сафарига йўл олдик. Бу ерда зарур ташкилий-хўжалик ишларини амалга оширганимиздан сўнг Исломобод шаҳрида республикамиз элчихонаси расмий равишда очилди. Бу воқеани Покистон босма матбуоти, радио ва телевидениеси хурсандлик билан кенг ёритди.

Орадан кўп ўтмай элчихонамизга нотаниш уч киши ташриф буюриб, қабул қилишимизни сўрашди. Қабул қилдик.

— Ўзбекистон элчихонаси очилганлигини эшитиб Кашмирдан (Покистон ҳукумати муҳофазасида бўлган Кашмир ўлкаси назарда тутиляпти — Н.Ғ) келдик, биз Амир Темур ҳазратларининг авлодлари бўламиз, — деди соф урду тилида барвастадан келган, кўриниши ҳақиқатан ўзбекларга ўхшаб кетадиган меҳмон.

— Кашмирда катта бир жамият бор. Мен ўша жамиятнинг раисиман, — деди у. Сўнг шерикларини таништирди. — Бу киши, — у ёнидаги одамни кўрсатиб, — раис муовини; бу киши эса, — ёшроқ хушбичим йигитга қараб, — советлар даврида Киевда тиббиёт институтини тугатган, рус тилини яхши билади, — жамиятимизнинг котиби.

— Қандай жамият? — қизиқиб сўрадик.

— Мўғуллар жамияти, — деди у. Сўнгра меҳмонлар жамиятнинг тарихи, номи, вазифалари ҳақида бири қўйиб бири батафсил ахборот бера бошлашди.

Маълум бўлдики, суҳбатдошларимиз Соҳибқирон Кашмирда қолдириб кетган кишиларнинг тўртинчи-бешинчи авлод вакиллари эканлар. Уларнинг ота-боболаридан эшитганлари бўйича, ўша гуруҳдаги кишилар Кашмир ўлкасининг кейинги тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Ўлкада давлатчилик тартибини мукамаллаштириш бўйича маҳаллий ҳокимиятга сидқидилдан кўмаклашганлар; деҳқончилик соҳасида Мовароуннаҳр тажрибаларини кенг қўллаганлар; ислом дини қоида-тартибларини, Қуръон ва шариат ўгитларини омма орасида ёйишга катта хизмат қилганлар.

Ҳиндистонда Бобурийлар ҳукмронлиги даврида бу гуруҳ авлодлари фаолияти учун янада кенг имкониятлар юзага келган. Бироқ Ҳиндистон инглиз мустамлакачилари қўлига ўтгач, Темурий-Бобурийлар қаторида бу гуруҳ авлодлари учун ҳам қатағон даври бўлган. Бундай шароитда уларнинг бир қисми қўшни мамлакатларга ўтиб кетган, баъзилари тоғу тошлар орасида жон

сақлаган, айримлари эса панапанада фақирона ҳаёт кечирган.

Фақат 1947 йилдан сўнг, яъни Ҳиндистон иккига — Ҳиндистон ва Покистон давлатларига бўлиниб, мустақилликка эришганларидан кейингина буюк бобомиз авлодлари қайта топишиб, Кашмирда янги ҳаёт қуриш ишига астойдил киришганлар. Ҳазрат Соҳибқирон барҳаёт руҳини хотирлаш ҳамда бу улуғ зотнинг жаҳон давлатчилиги, фани ва маданиятига қўшган бебаҳо ҳиссасини ёш авлод онгига сингдириб бориш учун нуфузли бир ижтимоий ташкилот тузиш ғояси ҳам мустақиллик шарофати билан туғилибди. Ва юқорида қайд этилган жамият тузилиб, унга инглиз мустамлакачиларидан қолган ҳамда Ҳиндистонда кенг тарқалган ясама ном — "мўғуллар" атамаси берилибди.

Уларнинг айтишларича, ҳозир Кашмир аҳолисининг катта қисми Темур бобомиз қолдириб кетган одамларнинг уруғ-авлодлари бўлиб, уларнинг барчасини ана шу жамият ўз сафига бирлаштирган. Жамиятнинг марказий бошқармаси ва жойлардаги бўлимлари доимий учрашувлар, семинарлар, хотира кечалари, ҳисобот йиғилишлари ўтказиб туради. Жамият фаолиятида Соҳибқирон ҳаёт йўли, ватан олдидаги хизматлари, инсоний фазилатларини ёш авлод орасида тарғиб этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Меҳмонлар жамият аъзоларининг буюк бобомиз шахсига бўлган меҳр-муҳаббатлари ғоятда баланд эканлигини гапирдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири ўзини ҳазрат Соҳибқироннинг авлоди деб ҳисоблар, номларини "барлос", "чиғатой" қўшимчалари билан айтар эканлар.

Айтиш жоизки, олти асрдан кўпроқ давр ҳақидаги бу ҳикоят бизни ғоятда тўлқинлантирди. Зеро, бу авлоднинг ҳайратомуз иродаси, матонати, ўз қавмига садоқатлилиги юксак таҳсинга сазовор эди. Биз, албатта, жамият фаолиятига муваффақиятлар тиладик; ўз томонимиздан жамиятни буюк бобомиз ҳақидаги китоб, рисола, мақола ва бошқа ахборотлар билан иложи борича таъминлаб туришни ваъда қилдик. Шу билан бирга жамиятнинг номини инглиз мустамлакачиларидан қолган сохта, уйдирма атама билан эмас, ҳақиқий ном — Амир Темур номи билан аташни маслаҳат бердик.

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, жамият раҳбарияти билан яна учрашдик. Бу гал улар элчихонамизга жамиятнинг ўзгарган номи, "Амир Темур жамияти" деб ёзилиб тайёрланган муҳрлар, расмий қоғоз-бланкалари, буюк бобомиз таваллудининг 660 йиллиги олдидан жамият фаолиятининг кенгайтирилган иш режалари билан кириб келдилар. Биз, ўз навбатида, буюк бобомиз ҳақида Ўзбекистонда чоп этилган бир қанча китоб, рисолалар, плакатлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз меъморчилик санъати расм-албомларини уларга совға қилдик. Шу зайл жамият билан ҳамкорлигимиз бошланди.

Жамият раҳбарияти Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи олдидан элчихона билан биргаликда Покистон Кашмири маркази Музаффаробод шаҳрида конференция ўтказишни таклиф қилди. Таклифни маъқулладик. Лекин Исломобод, Лаҳор, Карачи, Пешавор шаҳарларида анчагина юбилей тадбирлари режалангани-ни, вақтнинг эса тиғизлигини ҳисобга олиб, конференцияни Исломободда ўтказишга келишдик.

Бу тадбир 1996 йил 10 апрель куни Исломободнинг энг нуфузли меҳмонхонаси — "Мэриотт"нинг ҳашаматли мажлислар залида тантанали равишда ўтказилди. Конференцияга 500 дан кўпроқ киши тўпланди. Улар Покистон Кашмирининг Музаффаробод ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларидан, тоғлик жойлардан, яйловлардан отда, эшакда, автобусларда бир неча юз километр йўл босиб келган одамлар эди.

Элчихона ходимлари билан залга кириб боришимиз ҳамон ҳайратда қотдик. "Гурр" этиб ўрнидан турган конференция қатнашчилари, уларнинг тиллари ва кийимларини эътиборга олмаганда, ранг-рўйлари айнан ўзимизнинг қора кўзларга ўхшаб кетадиган кишилар эди. Уларнинг руҳлари тетик, кўзлари чексиз қувонч оғушида буюк бобомиз ҳақида бор ҳақиқатни тинглашга шай бўлиб турар эдилар.

Конференцияни Кашмир парламентининг аъзоси (депутати), жамият раиси Сардор Қамар Замон қисқа кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққан Покистон Миллий ассамблеясининг (парламентининг) депутатлари Зулфиқор Мирза, Мирза Носирлар Покистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик, биродарлик, Амир Темур бобомизнинг жаҳон миқёсидаги ноёб хизматлари ҳақида гапирдилар.

Сўз навбати менга келди. Ўзбек тилида (пешма-пеш урду тилига таржима этиб борилган) нутқимни бошлаб, мустақиллик шарофати билан Амир Темур бобомиз шахсиятига ёндашиш тамоман ижобий томонга ўзгарганлиги, бу ўринда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк тарихий хизматлари ҳақида сўз кетганда зал қалқиб ўрнидан туриб, узоқ давом этган қарсаклар билан олқишлади. Юртбошимизнинг ташаббуслари ҳамда бевосита раҳнамоликларида улуғ бобомизнинг 660 йиллик муборак тўйлари фақат Ўзбекистонда эмас, халқаро миқёсда зўр тантаналар билан ўтаётганлигини эшитиб, зал яна оёққа турди. Қарсаклар авжга чиқиб, авиацияга айланди, залда хурсандчилик садолари янгради. Бу ҳол ўта табиий ва дилдан чиққан шодиёналик белгиси бўлиб, уни "бўлди"-"бўлди" билан тўхтатишнинг иложи йўқ эди. Бундай ҳол маъруза давомида яна бир неча марта такрорланиб турди.

Ниҳоят, нутқлар тугаб, навбат бир пиёла чойга келди. Лекин ундан олдин элчихона ходимлари билан саломлашиш жараёни бошланди.

Бу ерда иштирок этганларнинг ҳар бири биз билан саломлашишни фарз деб билар ва чўзилиб кетган қаторда туриб аста-секин биз томон яқинлашар эди. Навбатма-навбат саломлашиб, илиқ бир самимият билан бетларимизни, қўлларимизни, кийимларимизни ўпар эдилар...

Бу воқеага мана ўн йил бўлди. Лекин ўша учрашувда "Амир Темур жамияти" аъзоларининг бобомиз ҳазрат Соҳибқиронга, она ватанимиз Ўзбекистонга, унинг раҳбари Ислом Каримовга бўлган дилдан чиққан муҳаббат туйғулари, эҳтиромлари ҳали ҳануз мени мафтун этади.

Назм

Ҳазин нола чекар кўксимда булбул

Сарҳисоб

Мен юрган йўлларда чангу ғубор йўқ,
Мен босган тупроқнинг рухсори гул-гул.
Дўстга садоқатдан бошқа ҳунар йўқ,
Ҳазин нола чекар кўксимда булбул.

Уйимда — элимнинг орзу-ҳаваси,
Элим, айтавергин дардингни олай.
Тўйу томошангдан дилдан қувонай,
Димоғимга келсин гулзорлар иси.

Бизда яшаш эркин, муҳаббат эркин,
Севилган юракка муҳаббат нақшдир.
Висол ҳижронлари кўп ҳузурбахшдир,
Севги — ширин азоб, шиддатли тўлқин.

Севги — севги эмас, юрак парчаси!
Ҳар кимга бу туйғу мушарраф эмас.
Гўзалим, ишқингни ичиб бўлай маст,
Абадий яшнасин ҳаёт арчаси.

Улғайиб топганим — ишқим ва меҳрим,
Руҳимда таҳ-батаҳ чечаклар ўсар.
Ҳаёт! Дудоғингдан ушат бир бўса,
Унда мужассамдир яшамоқ сеҳри!

Тириклик бардавом, билмайсан азал,
Қаерда вергули, қайда нуқтаси.
Шодлик ҳам, ҳасрат ҳам ўтар галма-гал,
Донолик аталур ишнинг пухтаси.

Этагин тутқазмас югурик умр,
Изидан мунғайиб қараб қоламан.
Ҳаёт сарҳисобин тугатиб бир-бир,
Ютқазсам беадад ўйга толаман.

Алдама

Алдама! Кўз ёшинг сохта бўлмасин,
Ўзингники бўлсин шу бир томчи ёш.
Ғамнинг қаршисида тоғлар эгар бош,
Ўз аксин таратмиш қатрада қуёш.
Биламан хотиржам бўла олмайсан
Кўзлари қизарган инсонни кўриб.
Тегрангда мўлтираб турса бир нигоҳ
Жигаринг куяди дилдан оҳ уриб.
Сокинлик мен учун роҳат-фароғат.
Сукунат бир қадар яхшироқ чоғи.
Ўшанда ўзига чорлар бетиним,
Овлоқ гўшаларнинг сокин қирғоғи.
Афсонавий қушми мудроқ хотира.
Излайсан, излайсан, излайсан муштоқ,
Юрак қатларидан сизғириб чиқар
Шу ноёб бир сўз мисоли чақмоқ.
Юрак торларини чертиб ўтаркан
Мажҳул ҳис-туйғулар, кўзлар қароғи.
Мажнун қиёфага айланар идрок,
Парилладӣ ёнади дилнинг чироғи.
Кимсан? Қаердасан? Ўзлик йўқолган.
Умидвор боқасан неларни излаб.
Чамамда, шу топда кимдир бақирса,
Илҳоминг қушини кетди бўғизлаб.
Ҳайрат... ён-атрофга синчиклаб қараб
Ҳеч бир ҳодисани кўзинг илғамас.
Ўшанда оламнинг сурати бўлиб,
Хаёлга тўр солар кўклам банорас.
... Роят оғир кечди бу кун мен учун
Ўзимни қаерга қўйишни билмай,
Ўзим ўз уйимда тутқундай, жилмай,
Оқара бошлади бошимда сочим.

Аҳмад ҲАСАН
Миришкор

ҲажвNews

Туя думига илинган мактаб

Танишув

Жўғрофия дафтарингизга ёзиб қўйингким, мухбиримиз Абу Колумб ибн Берунийнинг хабар беришича, Аломат қишлоғида ҳам "супермактаб" топилибди. Унинг координаталари ҳақида аниқ маълумот йўқ, лекин Тошкентдан узоқлиги аниқ. Мазкур мактабнинг физика, кимё, жўғрофия, математика... фанлари ўқитувчиси (ўқитувчилари деб ёзмоқчи эдик, ҳаммаси битта одам экан. Балки атамалар луғатига "ўқитувчилар тўплами" деган терминни киритиш керакдир) бинонинг неча баллик ер силкинишига чидаб беришини аниқлабди. Маълум бўлишича, мактаб олдидан ўтадиган йўлни беркитиш керак экан. Худо кўрсатмасин, ўша йўлдан битта-яримта шўх болакай от чоптириб ўтса борми, мактаб қулаб... Келинг яхшиси, статистикага мурожаат қиламиз. Тадқиқот натижаларига кўра, мактаб олдидан трамвай бир марта ўтса, бунга бинонинг чидаб бериши даргумон экан. Тўғри-да, ҳар бир иншоот маҳаллий шароитдан келиб чиқиб қурилади. У ёқларда трамвай деса, ернинг остида юрадими деб сўрашади.

Яқинда 1-синф ўқувчилари ва ўқитувчилари "РайОНО"га бош уриб боришибди. Улар мудир жанобларига алифбони баланд овозда такрорлай олмаётганлигидан нолишибди. Ҳамма товушларни шивирлаб айтганини билиб бўлмас экан-да. "РайОНО"дан бизга "Камчиликларга барҳам берилди, фақат алифбо ўқитиладиган синфлар деворига орқасидан тирковуч тиркалди", деган мазмунда жавоб хати келди.

Антиқа сурат

Абдукарим аканинг 4-синфда ўқийдиган ўғли антиқа сурат чизган эмиш. Ўқитувчи ҳайрон бўлиб: "Нега сен чизган туянинг думи узун?" деб сўрабди. (Чунки домла туянинг думи калта бўлишини аниқ биларкан). Синфнинг энг олди ўқувчиси антиқа расм бўйича ўзининг фаразини илгари сурибди. Унинг фикрича, расмдаги дум туяники эмас, балки туянинг ортида турган сигирники бўлиши мумкин экан. Хуллас, ким нима деса дебди. Лекин суратнинг сирини рассомнинг ўзи айтиб қўя қолибди. Бунинг тарихи узун экан.

Ҳар куни учинчи "смена"да ўқиб, хуфтон намозига азон айтилаётганда уйга қайтиш жонига теккан Беҳзод отасидан: "Янги мактаб қачон қурилади?" деб сўрабди. Абдукарим ака жавобни ўзининг ёшлиги ҳақида гапиришдан бошлабди. Чунки янги мактаб қурилади деган миш-миш эмас, расмий ваъда ўша вақтлари айтила бошлаган экан. "Гапнинг индоллосини айтганда, янги мактаб туянинг думи ерга текканда қурилади", деб

якунлабди Абдукарим ака ўзининг узоқ ва мазмунли нутқини. Шунинг учун Беҳзод эзгулик йўлида туянинг думини чўзибди. Ҳамма юлишга ўрганган бир пайтда рассомнинг арзимаган нарса бўлса ҳам қўшиши кунимизнинг ҳақиқий янгилиги деб эътироф этилмоқда.

Фалокат

Деворларига тирковуч тиркалмаган мактабнинг ярми, яъни 5 та синф қулаб тушди. Хайриятки, қурбонлар йўқ. Чунки фалокат рўй берган вақти бу синфда ўқийдиган болалар Босим полвонникига кетган эди. Нимага дейсизми? Беҳзод яратган санъат асари эълонлар тахтасига осилиб, Абдукарим аканинг фалсафаси билан тушунтирилгач, ҳамма бундан ғоят таъсирланиб кетишди. Шундан бери ҳар куни 3-4 та синф Босим полвон туясининг думига тикилиб ўтирадиган бўлди.

Мактаб биносининг қулаб қолиши туман тарих музейи мудирини чуқур қайғуга солди. У киши 18-супермактаб биносини очиқ музейга айлантирмоқчи бўлган экан. Чет эллик меҳмонлар келса (келмаслик эҳтимоли кучлироқ), Собиқ Иттифоқ даврида фарзандларимиз мана шундай харобаларда ўқиган деб кўрсатиш учун керак-да!

18-супермактабда ҳамма ўқитувчилар юқори малакали бўлганлиги учун туянинг думига қоровуллик қилиш бизлан чекланиб қолмаяптилар. Яқинда ўқитувчилар хонасидан "Эврика!" деган бақириқ эшитилди. Бу зоология ўқитувчисининг ҳайқириғи эди. Домла анчадан буён кўргазмали қурол тополмай юрган экан. Мана тайёр туя. Мабодо яқин орада туянинг думи ерга тегмаса, бутун мактаб туяшунос бўлиб кетса ажаб эмас. (Лекин шу ёшидан ўқувчилар бировларнинг насибасини туя қилишни ўрганмаса бўлди). Бир гуруҳ шоввозлар "Дум ўстириш тажрибалари" борасида изланиш олиб боришмоқда. Кексаларнинг айтишича, яқин қишлоқлар ичида "дум" ўстириш борасида Ўсаровнинг тажрибаси катта эмиш. "У Маданият вазирлигида ишлай бошлагандан бери, — деб эслайди қариялар, — Пастқишлоқнинг кўп одамлари маданиятли бўлиб мансаб пиллапояларидан юқорилай бошлади".

Кексаларнинг бу ишга аралашуви ўқувчиларни чалғитиб юборди. Ахир уларни одамнинг "дум"и эмас, туянинг думи қизиқтиради. Лаборатория портлаб кетиб мактабга зарар қилмаслиги учун тажрибалар очиқ майдонда ўтказилди. Талофатлар битта чинор, 4 та терак. Ёниб кетган бўлса керак деб ўйларсиз. Тўғри, ёниб кетди, лекин чинор ва терак эмас, директорнинг ошхонаси ёниб кетди. (Келининг ёғ доғлашни билмаса қийин экан-да!) Мактаб ҳовлиси шип-шийдам бўлгач, ўқувчилар мусиқа дарсида "Офтоб чиқди оламга, югуриб бордим холамга. "Хола, хола, кулча бер!" Холам деди: "Тошингни тер!" қўшиғини куйлашмоқда.

Илм йўли туянинг думини ерга теккиза олмагач, ҳаёт тажрибаларига мурожаат қилинди. Биринчи фикр туман газетаси муҳаррирининг ўғлидан чиқди:

— Ёзиш керак!

— Нима деб?

— Туянинг думи ерга тегди деб. Ҳамма ишонади.

— Бее, қаерга ёзасан? — гапга аралашди адабиёт ўқитувчиси. — Туман газетасини ходимларидан бошқа ҳеч ким ўқимайди. Марказдаги газеталарга ёзсанг, барибир бизга етиб келмайди. "Оммабоп-ҳаммабоп" газеталарга чиқарсанг, ҳамма ўқийди — лекин ҳеч ким ишонмайди.

— Ёзиш керак! — деди раиснинг ўғли.

— Қаерга ёзиш керак?

— Қўшиб ёзиш керак!

— Бўлмайди. Катталар келиб думнинг қолган қисмини топ деса, нима қиламан, — деб ўшқирди директор.

Энг жўяли гап қассобнинг ўғлидан чиқди. У туяни ётқизишни таклиф қилди. Кутилган натижа юз берди: туянинг думи ерга тегди! Лекин қачонгача ерга тегиб тураркин, Худо билади. Туясини мажбурлаб ётқизгани учун Босим полвоннинг жаҳли чиқиб кетди, ўқувчи ва ўқитувчиларни ўз оғилидан бадарға қилди. Ҳозирда ўқувчиларнинг муқим манзили йўқ. Лекин уларнинг кўнгил кўчаларига хафагарчилик яқин йўлай олмаяпти... Яқинда янги мактаб қурилиб қолар. Туянинг думи ерга тегди-ку!

... Воқеалар ривожи ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида хабар беришни ваъда қилиб

ЖИЗЗАКИЙ

ИБРАТ

Ўзига ишонмайдиган одамнинг индамасдан тургани маъқул.

Ф. ЛАРОШФУКО

Тилсим

Сурат ва сийрат

Ҳ. САТТОРОВ тайёрлади

Бурун аломати

Қирра бурун енгил ва ақли камлик белгисидир.

Кимнинг бурни катта, юзга ёпишгандек ва тешиклари йирик бўлса, у сершаҳват, аччиғи тез кишидир.

Узун, катта, учи тўтининг тумшуғига ўхшаш бурунли кишилар бадавлат бўлади. Кимнинг бурни катта-кичикликда ўртача бўлса, хушфаҳм ва хушфаросатдир.

Бурни эгри кишилар камбағал бўлади.

Лаб аломати

Лаби сергўшт, қалин кишилар аҳмоқ, бетамиз, адоват ва хусумат сақлайдиган бўлади.

Кимнинг лаби нафис бўлса, хушфаҳм ва таъби нозикдир. Кимнинг лаби қора ёки кўк бўлса, баднафс, баджаҳллик белгисидир.

Кишининг лаби қизил бўлса, саодатманд ва хушаҳл бўлади.

Лаби сариқ кишилар касалманддир.

Оғиз аломати

Кимнинг оғзи катта бўлса, юраклик ва бақувват бўлади.

Оғзи кичик кишилар эса юраксиз ва қўрқоқ келади.

Тиш аломати

Тиши катта ва бир-бирига ёпишган кишилар ёмонлик истовчилардир.

Тиши майда, бир-биридан ажралган бўлса, саломатлиги бақувват, кам касал бўлади.

Тишлари эгри ва текис бўлмаса, алдоқчи ва хиёнатчи кишидир.

Агар тишларнинг оралари очиқ, текис ва катта-кичикликда ўртача бўлса, у одам бахтли, адолат ва инсофли, ростфеъллиқдир.

Тиши ўттиз, ўттиз бир ё ўттиз икки дона бўлса, у зийрак ва бадавлатдир, ўттиздан кам бўлса, фалокат ва қашшоқ бўлади.

Тил аломати

Кимнинг тили ва оғзи қизил бўлса, саодатли ва хушфеълдир. Аммо тили қора ёки сариқ кишилар бадхўй, ёмон табиатли одамлардир.

Жағ аломати

Жағи отнинг жағига ўхшаш камгўшт кишилар хушфеъл бўлади.

Жағи сергўшт одамлар нодон ва мутаккабдирдир.

Ўртача ўлчамли бўлса, оқил, фаросатли ва ҳушёр кишидир.

Бўйин аломати

Калта бўйинли одамлар ҳийлагар ва алдоқчидир.

Бўйни узун, ингичка одамлар қўрқоқ ва аҳмоқдир.

Бўйни сергўшт ва йўғон бўлса, у киши рост сўзлайди, инсофли ва маслаҳатчи бўлади.

Гарданида бир дона чизиғи бор кишилар умри узун бўлади. Икки қатор чизиғи бўлса, ҳушёр ва эҳтиёткордир. Уч қатор чизиғи борлар давлатманд бўлади.

Юз аломати

Юзи гўштдор кишилар беғайрат, фаромушхотир, нодон ва бадфеъл бўлади.

Агар юзида асло гўшт бўлмаса, ёмон ниятли, андишасиз кишидир. Юзи ўртача бўлса, хушфеълдир.

Юзи сариқ кишиларнинг нияти ёмон бўлади.

Соқол аломати

Кимнинг соқоли оз бўлса, у зийрак, доно, ақли етук, ҳушёр кишидир.

Соқоли тик кишилар сабрли, андишали бўлади.

Соқоли кўп, узун бўлса, аҳмоқлик ва нодонлик белгисидир. Қалин соқол гумроҳ ва бефаҳм кишида бўлади.

Елка аломати

Елкаси камгўшт, ориқ кишиларнинг дилида ёмон хаёл ва фосиқлик бўлади.

Сергўшт ва йўғон елкали кишилар аҳмоқ бўлади.

Елкаси сержун бўлса, камбағаллик белгисидир.

Жуни бўлмай ўртача бўлса, у одам оқил, фаросатли, давлат ва саодатли, мижози латиф кишидир.

БИЛДИРУВ

Тошкент шаҳри С. Раҳимов тумани М. Ҳамроев номли 29-мактаб томонидан **Джалилов Сардор Бахтиёрович**га берилган **O'R-AN 215572** рақамли аттестат йўқолгани туфайли **бекор қилинади.**

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Тасвирий оина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латиповга отаси
Худоёр ЛАТИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

O'ZINGNI ANGLA!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-151 Т: 4160 1 2 3 4 5